

К. УМАРОВ, И. ПУЛАТОВ

ЮКСАЛАЁТГАН ТАРМОҚ

(«Ҳазорбоғ» совхозининг чорвачиликни
ривожлантириш тажрибасидан)



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1975

Умаров Қ. ва Пулатов Й.

Юксалаётган тармоқ. («Ҳазорбоғ» совхозининг чорвачиликни ривожлантириш тажрибасидан). Т., «Ўзбекистон», 1975.
43 б.

І. Автордош.

Чорвачиликни ҳар томонлама кенг ривожлантирмай ва унинг самарадорлигини оширмай туриб, халқимизнинг бу маҳсулотларга бўлган ва тобора ўсиб бораётган талабини тўла-тўқис қондириш мумкин эмас. Ватанимизнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистон шароитида чорвачиликни пахтачилик билан қўшиб олиб бориш катта самаралар бермоқда.

Ушбу китобчада пахтачилик билан бирга чорвачиликни ҳам рентабель соҳага айлантираётган, республикада машҳур «Ҳазорбоғ» совхозининг иш тажрибалари баён қилинади, арзон ва мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга онд тавсиялар берилади.

Китобча қишлоқ хўжалик ходимлари ва шу соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади.

Умаров Қ. и Пулатов Ю. Развивающаяся отрасль. (Из опыта развития животноводства в совхозе «Хазарбаг»).

333.76(С52)

У $\frac{40701}{M351} - \frac{096}{(06)} \frac{75}{75} 3-75$

КИРИШ

Серқуёш Сурхон водийси хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий юксалишини таҳлил қилар эканмиз, «Ҳазорбоғ» совхози экономикасининг тараққиёти тўғрисида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Чунки жануб ўлкасидаги тўнғич давлат хўжаликларидан бири бўлган бу совхоз катта йўлни босиб ўтди. Хўжалик «Пахтачилик фабрикаси» сифатида бутун республикамизда донг таратган. Машъал совхоз меҳнатчилари ҳар йили Ватанга 15 000 тоннадан ошириб пахта топширмоқда, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, кам меҳнат ва харажат сарфлаб, кўп маҳсулот етиштирмоқда. Айни пайтда хўжалик гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи йирик корхонага айланди. Пахтачилик учун ихтисослаштирилган хўжаликда чорвачилик ҳам интенсив суръатлар билан ривожлантирилаяпти. Шу сабабли совхоз меҳнаткашлари ҳар бир хўжалик йилини ҳамма соҳада план ва топшприқларни муваффақият билан адо этган ҳолда, зўр мамнуният билан якунлайдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати «Ҳазорбоғ» совхозини меҳнат аҳлининг хўжаликни бошқаришдаги ғайрат ва ташаббуслари, юксак тадбиркорлигини юксак тақдирлади — совхоз Ленин ордени билан мукофотланди, СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишдаги муваффақиятлари учун КПСС Марказий

Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг юбилей фахрий нишонини олишга сазовор бўлди. Совхоз ишчилари деҳқончиликни кенг миқёсда ривожлантиришдаги меҳнат ғалабаларини янада мустаҳкамлаб бормоқдалар. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида совхоз меҳнат аҳли Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини олишга эришди. Кўксиде Ленин ордени порлаб турган, ғолибона ол байроқни қўллариде баланд кўтарган совхоз меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг янги марралари, коммунистик қурилишнинг порлоқ истиқболлари сари дадил қадамлар билан бормоқдалар.

Биз китобчада машъал хўжалик меҳнат аҳлининг хўжаликнинг асосий тармоқларидан бирига айланган чорвачиликни комплекс суратда тараққий этдириш борасидаги тажрибалари тўғрисида ҳикоя қиламиз.

ЮҚОРИ МАҲСУЛДОРЛИК УЧУН

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати чорвачиликни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришни ҳамма вақт қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Чунки бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан кенг миқёсда таъминлаш имконини беради. Шу боисдан арзон ва мўл-кўл чорва маҳсулотлари етиштириш «Ҳазорбоғ» совхози меҳнатчиларининг ҳам ҳамisha диққат марказида бўлиб келди.

Чорвачилик яхши йўлга қўйилган колхоз ва совхозларда даставвал чорва молларининг наслдорлиги ва уларнинг маҳсулдорлигига муҳим эътибор берилади.

«Ҳазорбоғ» совхозида ҳам молларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлигини яхшилаш хўжалик чорвачилигини юксалтиришнинг муҳим омилига айланган. Наслдор молларни озиқлантириш ва парвариш қилиш тўла зооветеринарня ҳамда илғор тажрибалар асосида ташкил қилинган. Қорамоллар наслдорлиги, маҳсулдорлиги, говмишлиги, ўсиши ва яшаш қобилияти, наслий хусусиятлари, еган озиғини берган маҳсулоти эвазига қоплаши ва бошқа белгиларига қараб танланади. Зотли буқалардан самарали фойдаланишда қатъий режимга риоя қилинади, уларни озиқлантириш ва парваришlash рацион асосида олиб борилади.

Суный уруғлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва рентабельлигини ошириш совхоз чорвадорларининг ҳаммиша диққат-эътиборида. Буқаларнинг уруғидан тўғри фойдаланиш, сигирларни, шунингдек қочириш ёшидаги ғунажинларни максимал уруғлантиришда зооветеринария мутахассислари бош-қош бўладилар. Хўжаликда битта ветеринария врачлари ва иккита фельдшер, олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган иккита зоотехник самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг ғайрат ва ташаббуси, доимий изланишлари туфайли «Ҳазорбоғ» совхозида чорвачилик ҳам ишлаб чиқаришнинг сермахсул ва рентабель соҳасига айланди.

Сигирларнинг серпуштлилигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Чорва молларининг юқумли касалликлар билан оғриши ва қисир қолишига қарши ветеринария тадбирлари асосида кураш олиб борилди. Бунда сигирлар вақт-вақти билан ветеринария кўригидан ўтказиб турилади, шунингдек, серпуштликнинг биологик ва гармонал стимуллари қўлланиш ёрдами билан ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишнинг илғор методлари ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Молларнинг маҳсулдорлик сифати уларнинг насл хусусиятлари билан узвий суратда боғлиқ. Шу сабабдан совхоз фермаларида маҳсулдор молларнинг асосий қисми иарвариш қилинади. Бу эса наслчилик ишининг кўпроқ самара берадиган ташкилий метод ва усуллари кенг қўлланилишини тақозо этади.

Наслчиликка бўлган эътибор зотли молларни етиштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, кўп миқдорда юқори сифатли сўт ва гўшт етиштириш учун бой имкониятлар яратади. Совхоз мутахассислари ҳамда чорвадорларининг тадбиркорлиги, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни амалда маҳорат билан қўллай билганликлари туфайли маҳсулот таннархи мунтазам суратда арзонлашиб борапти.

Молларнинг маҳсулдорлиги ҳам кескин ошди. Агар

60-йилларнинг бошларида совхозда зотдор буқа ва снгирларнинг тирик вазни 350—370 килограммни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг оғирлиги мол бошига 420—450 килограммга етди. Натижада хўжаликда арзон ва юқори сифатли гўшт етиштиришнинг мустаҳкам базаси вужудга келди. Дарвоқе, саккизинчи беш йиллик давомда бир центнер мол гўштининг сарф-харажати 187,5 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозир бу рақам 160 сўмга арзонлашди. Снгирлардан сут соғиб олиш кўпайди, унинг таннарни янада арзонлашди.

Хўжалик тажрибасида шу нарса яққол исбот қилиндики, қочириш ёшидаги ғунажинларни ўз вақтида уруглантириш ва уларни рацион асосида озиқлантириш қорамолчиликда муҳим фактор ҳисобланади. Чунки тўйдириб озиқлантирмаслик оқибатида йил бўйи ҳар бир бузоққа қўшимча равишда озиқ сарфланишига, уларни боқиш учун 25—30 процент ортиқча меҳнат ҳақи тўлашга тўғри келади.

Совхозда чорвачиликдаги ошиқча меҳнат ва сарф-харажатларни камайтиришнинг кескин чоралари кўрилган. Бунинг учун даставвал наслга қолдирилган ғунажинлар саралаб ажратилади ва қатъий рацион асосида тўйдириб озиқлантирилади. Бу усул молларнинг бир суткада 450—500 грамм ўсишини таъминлайди.

Совхозда мустаҳкам озиқ баъзаси яратилганлиги сабабли чорвачиликни бошқаришнинг бой тажриба ва замонавий усуллари кенг қўлланилади. Наслдор молларнинг ҳаммаси йил бўйи молхоналарда парвариш қилинади ва озиқ экинлари йиғиштириб олингандан кейин яйловларда яйратиб боқилади.

Четдан келтирилган молларни маҳаллий шароитга мослаштириш, уларнинг тирик вазни ва маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари ўз вақтида ва изчиллик билан ўтказилади. Молларни озиқлантириш ва парваришlash, уларни танлаш ва саралашда зооветеринария қондаларига қатъий амал қилинади. Натижада хўжаликда моллар-

нинг тирик вази ва маҳсулдорлиги ошди, наслдорлиги яхшиланди. Кейинги 42 йил ичида сигирларнинг ўртача тирик вази 350—370 килограммдан 420—450 килограмгача кўпайди. Сигирлар сутининг ёғ миқдори келтирилган пайтда 3,6—3,7 процент эди, ҳозир эса 3,8—3,9 процентни ташкил этмоқда.

Хўжаликда молларнинг маҳсулдорлиги бўйича намунали индивидуал ҳисоб олиб борилади ва ҳар ўн кунда контроль сут соғишлар ўтказилади. Бу тадбирлар сут маҳсулдорлигини белгилашда иккинчи восита бўлиб қолди. Ҳар ойда бир марта ҳар бош сигирдан соғиб олинган сутнинг ёғ миқдори аниқланади.

Йирик шохли қорамоллар фермасида сигирларни қочириш, бузоқларни парвариш қилиш бўйича алоҳида қайд қилиб бориш журналлари ташкил этилган. Бу журналга соғиб олинган сут ва ёғнинг миқдори ёзиб борилади. Бу ишлаб чиқариш жараёни мутахассислар раҳбарлигида тўла амалга оширилади.

Совхозда йирик шохли қорамоллар сонини бонитировка қилиш тадбирлари ўз вақтида биология ва зооветеринария қоидалари асосида ўтказилади. Қорамолларни кўпайтиришда фақат сунъий уруғлантириш усуллари қўлланилмоқда. Бу наслчилик тадбирларининг муайян муддатларда амалга оширилиши ва насл сифатини янада такомиллаштириш имконини берапти. Хўжаликда мавжуд сигирлардан максимал миқдорда бузоқ олиш учун фермаларда сунъий уруғлантириш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Барча сигирлар бўғозлигининг учинчи ойдан бошлаб ҳар ойда бир марта рентал текширувдан ўтказилади.

Сигирларни қочиришда уларнинг куйга келиш даврини аниқ белгилаш лозим. Шунинг учун фермаларда даволашнинг барча препаратлари — сикестрол, прозерин ва СЖҚ биостимуляторлари қўлланиляпти. Бу тадбир сигирларнинг серпуштлилигини оширишда катта роль ўйнамоқда. Чунончи, молларнинг зот ва маҳсулдорлик си-

фатларини янада яхшилаш мақсадида кейинги 3—5 йил мобайнида сигирларни сунъий уруғлантиришда четдан келтирилган бошқа зот буқалар — голланд ва эстон қора-ола-чипор зотли буқаларнинг уруғидан фойдаланиш яхши натижа бермоқда. Чунки бу зотдор буқалар ёғининг миқдори 4,3—4,4 процент бўлган ва йилига ҳар бирдан 5—8 минг килограммгача сут соғиб олинаётган маҳсулдор сигирлардан тарқалган.

Бу ерда буқачаларни ахталанмаган ҳолда уларни тўйимли озиқ билан бўрдоқига боқиш яхши самаралар бермоқда. Шу тариқа озиқлантирилганда олти ойлик буқачаларнинг ўртача оғирлиги 220—240 килограммни, ғунажинларнинг оғирлиги эса шу ёшда 200—220 килограммни ташкил этмоқда. Шу ҳисобда хўжалик ҳар йили давлатга қарийб 150 тонна ғўшт топширмоқда.

Бузоқларни боқишда озиқнинг турларига қараб ҳар ойга алоҳида рационлар тузилади. Ҳар бир беш-олти ойликкача бўлган бузоққа бошқа озиқлар билан бирга 220 килограмм қаймоғи олинмаган ва 660 килограмм қаймоғи олинган сут берилди.

Молларнинг суткалик семириш вазни ўртача 750—800 граммни ташкил қилмоқда.

Новвослар олти ойликдан сўнг қатъий озиқ нормалари асосида боқилади. Бунда хўжаликнинг ўзида тайёрланган беда ва маккажўхори озиғи қўл келмоқда. Олти ойликдан 14 ойликкача бўлган буқаларнинг тўйимлик нормаси ёзда 7,5 озиқ бирлигини, қишда эса 10 озиқ бирлигини ташкил қилади.

Хўжалик бўрдоқчиликни тажрибасида юқоридаги ёшда ҳар ҳар бош буқа оғирлигига бир суткада 380—400 грамм қўшилганлиги аниқланган, 24—25 ойликда эса уларнинг ўртача тирик вазни 380—410 килограммга етган. Буқалар ўз навбатида тўрт ой давомида бўрдоқига боқишга қўйилади. Уларни семиртириш давомида озиқлантириш миқёси ҳар бир бошга 10—10,5 озиқ бирлигини ташкил этади.

Буқалар асосан куз ва баҳорда бўрдоқиға боқилади. Ҳар бир молбоқарга 70 тадан буқа тўғри келади. Новвосларнинг ўртача суткалик семириш даражаси ҳар бир бош молга 1200—1400 граммни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар Сурхон водийсидаги кўпчилик колхоз ва совхозлар учун ибрат бўларлидир. Буқалар 20—30 ойликда гўшт комбинатларига жўнатилади. Бу даврда уларнинг тирик вазни 540—580 килограммга етади, юқори семизликда гўштга топширилади.

Совхоз 1973 йилда ҳар бирининг тирик вазни 550—570 килограммдан бўлган 233 бош новвосни гўштга топширди. Боқув жараёнида қўшилган ҳар бир килограмм семизлик учун ўртача 9 озиқ бирлиги сарфланди. Қўшилган ҳар бир центнер гўштнинг таннархи 101 сўм 66 тийинни ташкил этди. Бу муваффақиятларда ўз касбининг моҳир усталари бўлган зоотехник Иван Анатолиевич Боос, ветеринария врачлари ва фельдшерлари Вали Пўлатов, Эргаш Қаршиевларнинг ҳиссалари беқиёсдир. Айниқса, молбоқарлардан Рашид Умбаров, Қўша Исаев, Маҳмуд Солиев, Ҳамид Ҳўжанов қабилар чорва молларини боқиш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Молларнинг наслини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда совхоз чорвадорларининг ютуқлари шунини кўрсатадики, агар барча хўжаликлар ҳам ишлаб чиқариш жараёнларида зооветеринария фани ютуқлари ҳамда илгор тажрибалардан ижодий ва самарали суратда фойдаланса, чорвачиликдаги прогрессив усулларни дадиллик билан жорий қилса, чорвачиликни сердаромад, рентабель тармоққа айлантиришлари мумкин.

Совхоз чорвачилигидаги яна бир муҳим муваффақият—кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларининг тўла механизациялашганидир. Хўжалик мпришкорлари Сурхондарё областида биринчи бўлиб чорвачиликда комплекс механизацияни жорий этишди. Молларни суғориш автоматлаштирилди, озиқ келтириш ва гўнг чиқариш

учун осма ва айлашма транспортёрлар ўрнатилди. Айниқса, фермаларда сут соғиш конвейерларининг ўрнатилиши сут маҳсулотлари етиштиришни япада интенсифлаштириб юборди.

Чорвачиликда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларнинг механизациялаштирилганлиги ферма ходимлари меҳнатини енгиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш билан бирга иқтисодий жиҳатдан ҳам катта фойда келтирмоқда. Масалан, механизация жорий этилгунга қадар 860 сигирга 80 сут соғувчи ва 32 молбоқар тўғри келган бўлса, эндиликда механизация шарофати туфайли 1200 бош сигирга 52 сут соғувчи тўғри келмоқда, молбоқарлар сони эса бир ярим баравар камайди.

Совхоз чорвадорлар тайёрлашнинг муҳим базаси ҳамдир. Бу ерда ташкил этилган илғор тажриба мактабида хўжаликдаги ва атрофдаги колхозлардан келган неча юзлаб ёш йигит-қизлар сут соғиш ва молларни парвариш қилиш малакаларини орттирганлар.

Хўжаликда ажойиб ташаббускор ва серғайрат сут соғувчилар коллективи вояга етди. Робия Жўраева ана шу меҳнат аҳлининг жонкуяр аъзоларидан биридир. Ўз касбининг моҳир устаси бўлган бу қиз сут соғувчиликка жуда ёшлигидан меҳр қўйган эди. У бир вақтнинг ўзида илғор тажриба мактаби машғулотларида қатнашди, малакали сут соғувчилар маҳоратини қунт ва иштиёқ билан ўрганди. Устозлари Маҳкам Рўзиева, Розия Саидахмедовадан олган сабоқларини амалда дадил қўллай бошлади. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг ўзини тўғри аҳил ва жонкуяр меҳнат коллективи кучоғига олди. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти унга катта ишонч билдирди. Робияга 20 бош зотдор ола-була эстон сигирлари топширилди.

Тошкентдаги «Красный Водопад» чорвачилик экспериментал базасининг донгдор сут соғувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чуднаянинг муваффақиятлари уни гоаят ҳайратга соларди. 1973 йилнинг бошларида

«Совет Ўзбекистони» газетаси Анастасия Чуднаянинг республикадаги барча дугоналарига хатини босиб чиқарганида, уни Робия мароқ билан ўқиб чиқди. Шу сабабдан машҳур сут соғувчининг қалб чақириқларига «лаббай» деб дадил жавоб берди ва тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи — учинчи йилида ҳар бир соғин сигирдан 3000 литрдан сут соғиб олишга азму-қарор қилди. Кўп ўтмай унинг қалб садолари бутун жануб ўлкаси бўйлаб янградди. Область «Ленин байроғи» газетаси Робия Жўраеванинг ҳамкасбларига қарата ёзган мактубини босиб чиқарди. Ўзбекистон КП Сурхондарё область Комитети ва область ижроия комитети ҳам бу шижоаткор қизнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқулладди. Унинг мактуби ва тажрибалари барча колхоз-совхозларнинг чорвачилик фермаларида ишлаб чиқилди. Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. Олов қалбли қиз чақиригига жавобан Сарийосиё районидаги «Коммунизм» колхозидан Малика Одинаева, Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозидан Хосият Элмуродова, Термиз районидаги «Таллимарон» совхозидан Зухра Абдурахмонова, Шеробод районидаги Ленин номи колхоздан Зоя Бозорова ва бошқалар социалистик мусобақага қўшилдилар.

Хўжаликдаги мавжуд қорамоллар 3 та сут-товар фермасида боқилади. Ҳар бир ферма ишлаб чиқаришда зооветеринария ва биология фани ютуқлари, чорвачиликдаги илмий-техника янгиликлари, прогрессив усуллар ва илғор тажрибалар, яъни чорва моллари наслдорлиги ва маҳсулдорлигини оширишнинг энг яхши намуналари тўланган.

Шуниси характерлики, совхозда бригада системасида ташкил қилинган чорва моллари боқувига чорвачилик бўйича катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган мутахассислар бошчилик қилади. Ҳар бир бригадада қорамоллар зоти, тури ва ёшига, наслий хусусиятларига қараб жойлаштирилган. Шу сабабдан ҳам бу чорвачилик бригадаларида молларнинг наслдорлиги ва маҳсулдор-

лиги кўрсаткичлари кўпинча бир-бирларига яқин келади.

Биринчи чорвачилик бригадасида асосан 550 бош зотли, гўштдор-сутли сигирлар парвариш қилинади. Бригадага катта ҳаёт ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган, совхоз чорвачилигининг ташкилотчиларидан бири Убайдулла Шарипов бошчилик қилмоқда. Ўтган хўжалик йилида Шариповнинг чорвачилик бригадаси ҳар юз бош сигирдан 87 бош ўрнига 100 бошдан соғлом бузоқ олди ва давлатга 350 тонна ўрнига 420 тонна серқаймоқ сут топширди.

Чорва моллари наслдорлиги ва унинг маҳсулдорлигини оширишда Абдурахмон Ҳалимов раҳбарлик қилаётган бригада чорвадорлари Шарипов етакчилигидаги коллектив билан социалистик мусобақа боғлаганлар. Ўрта-маҳсус зоотехник маълумотига эга бўлган бу жонкуяр йигит тўрт йилдан буён иккинчи чорвачилик бригадасини муваффақият билан бошқариб келмоқда. Икки аҳил меҳнат коллективи ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа самимий ва ошкора давом этмоқда. Қўлга киритилган ютуқларни бирга баҳам кўриш ва ишлаб чиқаришнинг машаққатли чоғларида бир-бирларига дўстона ҳамкорлик кўрсатиш, янги усул ва тажрибаларни бамаслаҳат амалда жорий қилиш ҳар иккала меҳнат коллективининг фаолиятида анъана тусини олган. Абдурахмон Ҳалимов бошлиқ чорвачилик бригадасида эстон зотли ола-була серсут сигирлар боқилмоқда. Ҳар юз бош сигирдан қарийб юз бошга етказиб соғлом бузоқ олинмоқда. Бригаданнинг шимолий районлардан келтирилган сигирларни маҳаллий шаронга мослаштиришда қўлга киритган натижалари ҳам диққатга сазовордир. Ҳозирги пайтда бригадага келтирилган ҳамма бузоқ ва буқаларнинг вази хўжалик шаронтида нормал ўлчовга тўғри келмоқда. Ўтган йили бу меҳнатсевар коллектив тайёрлов пунктларига 270 тонна ўрнига 342 тонна сут етказиб берди. Белгиловчи йил топшириқлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбе-

кистон Компартияси ташкил тошганлигининг ярим асрлик «олтин тўйи» нишонланиши арафасида шараф билан адо этилди.

Совхоздаги Исмоил Исронлов раҳбарлик қилаётган бўрдоқчилик бригадасининг ишлаб чиқариш фаолияти ҳам эътиборга моликдир. Бу коллективда, асосан бузоқлар сўқимга боқилиб гўштга тонширилади. Бузоқларни боқишнинг тўла зооветеринария талаблари асосидаги қатъий рационлари ишлаб чиқилган. Бу ишда бевосита мутахассислар раҳбарлигида озик ва емишларнинг концентрат составлари ҳам алоҳида ҳисобга олинди.

Шундай қилиб, бузоқлар 2,5 йил мобайнида бўрдоқига боқилди ва уларнинг ўртача тирик вазни 520 килограммгача етказилиб гўштга тонширилади. Ҳар йили сўқимга боқилган 350—400 бош буқа гўшт комбинатларига жўнатишмоқда. 1973 йилда 150 тонна ана шундай юқори сифатли гўшт тонширилди. Юбилей йилида давлатга гўшт сотиш йиллик плани 110 процент қилиб бажарилди. Совхоз чорвачилигида йил сайин мўл-кўлчиликнинг янги истиқболлари очилмоқда. Саккизинчи беш йиллик охирида хўжалик бўйича қорамоллар 1072 бошдан иборат эди. Аммо орадан бир йил ўтгач сигирлар 1184 бошни, 1972 йили — 1316 бошни, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи — учинчи йилида 1341 бошни ташкил этди. Ҳозир давлат хўжалигида 1460 бош сермахсул қорамоллар парвариш қилинмоқда. Яна шуниси ҳам таҳсинга лойиқки, бу давр мобайнида соғин сигирларнинг сони икки баравар кўнайдди, маҳсулдорлиги ҳам ошди. Масалан, 1970 йилда ҳар бош соғин сигирдан ўртача 2050 литрдан сут соғиб олинган бўлса, 1973 йилда бу кўрсаткич 2460 литрга етди. Республикамизнинг шонли юбилейи йилида ҳар бош сигирдан ўртача 2600 литрдан серқаймоқ сут соғиб олиш мажбурияти олинган.

МУЛ-ҚУЛ ГҶШТ МАНБАИ

«Ҳазорбоғ» совхозини гўшт корхонаси деб ҳам атайдилар. Бу бежиз эмас, албатта! Хўжаликнинг аҳил, жонкуяр коллективи биология ва зооветеринария фани ютуқларини дадиллик билан амалда қўллай билганликлари туфайли гўшт етиштириш ва уни давлатга етказиб беришнинг гоят муҳим ва қимматли базасини вужудга келтирдилар. Бу чўчқачилиқдир.

Юзаки қараганда, совхоз чўчқачилиқ фермаси у қадар катта эмас, унда ҳаммаси бўлиб 1000 бошдан кўпроқ чўчқа боқилади. Чорвадорларининг қатъий ва астойдил меҳнати туфайли ишнинг рационал, иқтисодий жиҳатдан оқилона ташкил этилиши натижасида чўчқачилиқ тез ва қисқа муддат ичида гўшт етиштиришнинг йирик манбаига айланиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам, чўчқачилиқ фермасининг кўрсаткичлари атрофдаги колхоз-совхозлар орасидагина эмас, балки область ва республикадаги илғор хўжалиқлар эришган ютуқлар билан рақобат қилмоқда. Чўчқачилиқ парвариши энг замонавий ва прогрессив усулларда йўлга қўйилганлиги туфайли совхоз ҳамма вақт гўшт тайёрлаш йиллик давлат планини ошириб адо этипти ва бундан катта фойда оляпти. Дарвоқе, совхоз чўчқа гўштини арзон етиштириб ва юқори сифатда етказиб берганлиги учун 1971 йилда 96 минг сўм соф фойда олди. 1972 йилда чўчқачилиқ самарадорлиги юз минг сўмлик маррадан ҳам ошиб кетди. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида бу соҳада бундан ҳам юксак кўрсаткичларга эришилди. Чўчқаларни кўр-кўрона боқиш ва унга лоқайдлик билан қараш ферма меҳнат коллективига тамомилта бегона. Айни пайтда она чўчқаларни қочиришда зооветеринария тадбирлари ўз вақтида амалга оширилади.

Урғочи чўчқаларни қочириш жараёни икки босқичда ўтказилади. Асосий урғочи чўчқалар кузда қочирилади. Ёзнинг жазирама иссиғи етиб келгунча чўчқа болалари

яхши озиқланади ва етилади. Бундай шароитда чўчқа болаларининг парвариши ҳам осонлашади, чунки ҳам-масининг ёши тенг, бир хил турдаги емиш билан озиқланади ва барабар ўсади. Шу сабабдан ёш чўчқаларни гўштга топширганда уларнинг тирик вази бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Чўчқа болалари интенсив суръатда озиқлантирилади ва январда гўшт комбинатларига топширилади. Натижада ҳар бир чўчқанинг вази 120—130 килограммни ташкил этади.

Урғочи чўчқаларни қочиришнинг иккинчи босқичи октябрь—ноябрь ойларида амалга оширилади. Бу чўчқа болалари августда гўштга топширилади. Шундай қилиб, улар тўққиз ой боқувда бўлади. «Ҳазорбоғ» совхози чорвачилик тажрибасидан шу нарса маълум бўлдики, ёш чўчқаларни юқоридаги тарзда боқувга қўйиш вақти чўчқаларни озиқлантиришда энг қулай муддат экан. Негаки, тўққиз ойликдан сўнг чўчқаларни боқишда кўп озиқ талаб қилинади, унинг ўсиши ва семириши пасаяди. Демак, совхоз ишчиларининг бу тажрибаси кам меҳнат ва харажат сарфлаб, кўп маҳсулот етиштириш имконини беради.

Хўжаликда юқоридаги прогрессив усул билан арзон гўшт етиштириш йил сайин ошиб бормоқда. Ферма коллективи 1971 йили давлатга 230 тонна, иккинчи йили 235 тонна юқори сифатли чўчқа гўшти топширди. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида бу кўрсаткич яна 10 тоннага кўпайди. Аниқловчи йилнинг биринчи ярмида давлатга қўшимча равишда 250 тонна гўшт етказиб берилди. Чўчқачилик фермасининг меҳнат аҳли гўшт етиштиришни 1975 йилда 280 тоннага етказадилар.

Совхоз чўчқачилик фермасининг муваффақиятлари фермага асос солингандан буён унга бошчилик қилиб келаётган Леонид Степанович Мазуренко номи билан боғлиқ. М. С. Мазуренко 1972 йил октябрь ва 1973 йилнинг июлида чорва маҳсулотларини етиштириш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси-

нинг Ғолибн сифатида Октябрь революцияси ва Ленин орденлари билан тақдирланди.

Совхозда чўчқачилик касбини зўр маҳорат билан эгаллаб олганлар кўнчиликни ташкил этади. Шулардан бири Людмила Молочковадир. У серқуёш республикамининг юбилеи шарафига ҳар бир чўчқадан 22 тадан чўчқа боласи олди ва уларни меҳр билан парвариш қилиб, ҳар бирининг оғирлигини 37 килограммга етказиб, навбатдаги боқувга топширди. Людмила Молочкова ҳалол меҳнати билан катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Ҳозир унинг кўксига «Ҳурмат Белгиси» ордени ва қатор медаллар торлаб турибди. Сергей Базарни эса ўз боқувдаги 300 та чўчқани 10 ой семиртирди. Шу даврда — ҳар бир чўчқанинг тирик вазни 142 килограммга етди.

Совхозда оз меҳнат сарфлаган ҳолда кўп ва арзон, сифатли гўшт етиштириш учун кураш олиб бориляпти. Чўчқачилик фермасида 1 центнер тирик вазндаги гўшт етиштириш учун 1973 йилда 7,4 центнер озиқ бирлиги ва 2,4 киши кун сарфланди. Ҳолбуки бу кўрсаткичлар колхоз ва совхозларда 21,3—24 озиқ бирлигига тўғри келмоқда. Бу рақамларни чуқур анализ қилиб кўрганда шу факт яққол кўзга ташланадики, «Ҳазорбоғ» совхозида бир центнер гўштнинг таннари 65—66 сўмданга тўғри келди, водийдаги бошқа хўжаликларда эса 180—200 сўмдан ва ундан ҳам ошиқроққа тўғри келмоқда.

Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхозида чорвачилик кўламининг бу қадар кенгайиб бораётганлиги шу соҳадаги ишлаб чиқаришни бевосита нқтисодий жиҳатдан рационал олиб борилаётганлиги натижасидир. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бу соҳага доир директивалари совхоз чорвадорлари учун программ хужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаота шаҳрида қўриқ ва бўз ерлар ~~ўзлаштириш ва тақдирини белгилаш~~нинг 20 йиллигига бағишланган, тантанали йнгилишда сўзлаган нутқидаги қимматли маслаҳатлари хўжалик

меҳнат аҳлини янгидан-янги марраларга чорламоқда. «Бошқа бир йўл — ишлаб чиқаришни концентрациялаш-ни, уни ихтисослаштириш билан қўшиб олиб бориш йўли бирдан-бир тўғри йўлдир, чунки бу йўл ҳозирги замон фани ва техникасининг афзалликларидан фойдаланиш имкониятини беради»¹.

Шу сабабдан хўжаликда чорва озиғи жамғариш устидан қатъий ҳисоб-китоб ўрнатилган, уни тайёрлаш ва озиқлантириш жараёни илмий асосда йўлга қўйилган. Албатта, чорвачилиқнинг индустриал асосда ривожлантирилиши озиқ ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришни ва тўлақонли мустаҳкам чорва озиқ базасига эга бўлишни талаб этади. Ҳазорбоғликлар пахтачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар шароитида ҳам бу масалани муваффақиятли суратда ҳал қилишнинг барча имкониятлари мавжудлигини амалда псбот этмоқдалар.

ОЗИҚ ЖАМҒАРИШ — ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ҚПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш чоралари тўғрисида» белгиланган тадбирлари бу соҳада партия тутган йўлни янада мустаҳкамлади, чорва моллари учун сифатли ва арзон ем-хашак етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришнинг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди.

ҚПСС XXIV съезди директивлари жамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг программ хужжатлари бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки чорвачилиқни интенсив ривожлантириш учун молларни хилма-хил тўйимли озиқ билан боқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир хўжаликда турли хил озиқбоп экинлар етиштириш йўли

¹ Л. И. Брежнев «Партия билан халқнинг буюк жасорати». «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1974 йил, 22-бет.

билангина ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ва чорва молларининг юксак маҳсулдорлигига эришиш мумкин.

Ҳазорбоғликлар ҳам чорвачилик режаларини тузаётганларида ҳамнаша хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароитларини, ем-хашак етиштиришни кенгайтириш, қўшимча резервларни қидириб топиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини ҳисобга оладилар. Совхозда ҳаммаси бўлиб 4427 гектар экинзор мавжуд. Шундан 3500 гектар майдон пахтачилик учун ажратилган. Пахта ҳосилдорлиги доимо юқори кўрсаткичларни белгилайди. Совхоз фақат ўтган йилнинг ўзида давлатга 14000 тоннадан ортиқ пахта етказиб берди ва ҳосилдорлик гектар бошига 41 центнерни ташкил этди.

«Ҳазорбоғ» совхозини раҳбарлари, мутахассислар, коммунистлар асосий диққат-эътибор пахтачиликка қаратилган хўжаликларда ҳам чорвачилик ишлаб чиқаришини комплекс суратда ривожлантириш, ҳатто уни хўжаликнинг энг рентабелли тармоқларидан биринга айлантириш мумкин эканлигини амалда исботладилар. Бу хўжаликни кенг миқёсда бошқаришда катта жасорат эди. Чунки тажрибадан маълумки, пахтачилик кенг ривожланган колхоз ва совхозларда чорвачилик соҳасига кўпинча иккинчи даражали муносабатда бўладилар. Аммо «Ҳазорбоғ» совхозининг меҳнат аҳли ҳеч иккиланмасдан тўғри йўл тутдилар, бу соҳадаги қийинчилик ва тўсиқларни ғайрат-матонат билан енгиб ўтиб, чорвачиликни ҳам хўжаликнинг қудратли тармоғига айлантирдилар.

Совхозда 9 далали пахта-беда алмашлаб экиш кенг жорий қилинган. Бу эса хўжалик озиқ базасини янада мустаҳкамлаш ва йирик шохли молларни кўплаб боқиш учун кенг имкониятлар вужудга келтирмоқда. Шу сабабдан ҳам совхоз чорваси ўзининг гўшт ва сут маҳсулдорлигининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Хўжалик 4400 гектар сўғориладиган майдонга эга. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар пахтачиликни ри-

вожлантиришни сира сусайтирмаган ҳолда чорвачилик равнақи учун дадил ва қатъий чоралар кўрдилар. Бунинг учун пахта майдонлари 150 гектарга қисқартирилди ва бу ерлар озиқ экинлари етиштиришга ажратилди. Юзаки қараганда, бунда пахта майдонини камайтириш эвазига чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш хулосалари келиб чиқади. Аммо «Ҳазорбоғ»да асло бундай эмас. Даставвал пахтачилик мавжуд ерлардан унумли, самарали фойдаланиш ва унинг ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш, янги технологияни дадил жорий қилиш йўли билан ривожлантирилмоқда. Пахтачилик ва чорвачилик мутахассисларининг бу борадаги ташаббус-гайратлари яхши натижа беряпти.

Кейинги уч йил ичида пахта ҳосилдорлиги 6 центнерга ошди ва унинг ялпи миқдори 42 минг тоннани ташкил этди, бу эса тўққизинчи беш йиллик планида кўзда тутилган мўлжалдан 5 минг тонна кўпдир. Дарҳақиқат, «Ҳазорбоғ» совхозининг пахтачиликни комплекс суратда юксалтириш соҳасидаги бу ютуқлари республикамиз машъат хўжаликларидаги энг юқори кўрсаткичлар ҳисобланади.

Хўжаликда мавжуд ҳар бир қарич ер ҳисобда ва ундан самарали фойдаланилади. Пахта майдонларидан ташқари жойларнинг 35 процентиди озиқ экинлари етиштирилади. Бу ерларда асосан беда, маккажўхори, лавлаги, жавдар, бугдой ва арпа экилади.

Пахта-беда алмашлаб экиш системасининг қўлланилиши пахта ҳосилдорлигининг ошишига катта таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, йирик шохли қорамоллар учун қимматли озиқ сифатида хизмат қилиб, хўжаликка кўплаб органик ўғит олиш имконини бермоқда. Бу органик ўғитларнинг ерга солиниши тупроқ структурасини яхши-лаяпти, унинг унумдорлигини оширяпти.

Совхоз пайкалларида озиқ экинларидан асосан беда, маккажўхори, оқ жўхори, хашаки илдиэмевалилар ва жавдар, сули, дуккакли экинлар аралашган ҳолда етиш-

тирилади. Бунинг учун даставвал озиқ экинларининг навлари тўғри танланади ҳамда энг серунум массивлар ажратилади ва ўсимлик парвариши жараёнида илғор агротехника усуллари кенг қўлланилади. Шу боисдан хўжаликда озиқбоп экинларнинг ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Бу ерда мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 120—130 центнердан беда пичани, 400—500 центнердан маккажўхори кўк пояси, 600 центнердан озиқбоп илдиз-мева ва 150—200 центнердан оралиқ экинлар кўкати йиғиштириб олинмоқда.

Ҳазорбоғликлар озиқбоп экинлар ичида айниқса бедани кўпроқ қадрлайдилар. Бунинг учун махсус бедачилик бригадаси ташкил қилинган ва унга мўришкор деҳқон Хурсанд Норбоев бошчилик қилади.

Шуниси характерлики, совхозда беда етиштиришда агротехника усуллари ва илғор тажрибалар кенг қўлланилади. Айниқса, беда уруғи биринчи йили экилганда, ерга азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар солиш қулай муддатларда ўтказилади, натижада дастлабки йилдаёқ гектаридан 70—80 центнердан ҳосил олишга эришилади.

«Ҳазорбоғ» совхозида беда бошқа экинларга қўшиб экилади. Бунда беда асосан, сули билан қўшиб экилади. Сули тез ўсиб, биринчи марта май ойида, иккинчи марта июнь—июль ойларида ўрилади ва учинчи ўримга сули қолмайди. Бутун майдон бекаму кўст беда билан қопланади. Чунки, бу усулда беданинг ҳосилдорлиги ошиши билан бирга экиннинг ширадорлиги ва сифати ҳам яхшиланади. Совхозда ҳар йили 488 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 110—112 центнердан беда пичани ўриб-йиғиб олинмоқда. Бедани йиғиштириб олиш, дасталаш ва молхоналар яқинига ташиб ғарамлаш механизация воситалари ёрдамида бажарилади.

Хўжаликда бедачиликка бу қадар муҳим аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, беда озиқбоп экинлар орасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бедадан пичан, се-

наж ва витаминли пичан уни тайёрланади. Совхозда мустақкам озиқ базаси вужудга келтирилган.

Хўжаликда «дала маликаси» — маккажўхорини ҳам юксак қадрлашади. Чунки, бу қимматли ўсимлик арзон гўшт, сўт етиштиришда, моллар учун тўйимли ва ширали озиқ сифатида муҳим ўрин тутади. Маккажўхоридан бошқа бошоқли экинларга қараганда кўп дон олинади. Бу ўсимликнинг чорвачилик учун нақадар катта аҳамиятга молик эканлиги КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёш маккажўхорикорларга йўллаган мактубида ҳам юксак баҳоланган эди. Ҳазорбоғликлар ҳам бундай оқиллона, доно мулоҳазаларга чуқур амал қиладилар. Айниқса, Термиз районидаги «Қизил Юлдуз» колхозининг Тўра Қулсоатов бошлиқ маккажўхорикорларининг республикадаги барча ҳамкасбларига мурожаат қилиб, гектаридан 100 центнердан маккажўхори ҳосили кўтаришга чақирганликлари совхоз маккажўхорикорлари қалбини тўлқинлантириб юборди. Хурсанд Норбоев бошлиқ маккажўхорикорлар бу мактубни атрофлича ва пухта ишлаб чиқдилар. Бригада 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан тақрорий экиш йўли билан камидан юз центнердан ва 200 центнердан кўк поя етиштириш мажбуриятини қабул қилди.

Миришкор деҳқонлар табиат инжиқликларини сабот-матонат билан енгдилар. Ҳамма майдонларда гектарларнинг тўла бўлиши, кўчатларнинг соғлом ва бақувват ўсиши таъминланди. Баҳорги ёгингарчиликлар туфайли юз берган қатқалоқ юшматилди. Қатор ораларини культивация қилиш сифатли ўтказилди, белгиланган ўғит нормаси вақтида берилди. Бегона ўтлар бутунлай тугатилди. Шундан кейин маккажўхорини суғоришга киришилди. Аҳил меҳнат коллективи бу йилги сув танқислиги шароитида ҳар бир томчи сувдан тежаб-тергаб фойдаланишди. Пайкаллар етилиши билан культивация чуқур ўтказилиб, ерда намнинг тўла сақланишига эришилди. Коллектив аъзолари мутахассислар билан мас-

лаҳатлашиб, ерда намни узоқ сақлаб қолиш мақсадида қатор ораларига чиритилган органик ўғит солишди. Тўрт марта сифатли культивация қилинди, натижада, мўл-кўл ҳосил еттиштирилди.

Айни замонда, ўрим-йиғим учун техника шай қилиб қўйилди. Учта комбайн, 12 та юк машинаси ва трактор-тележкалар сафарбар қилинди. Механизаторлар, комбайнчилар, ишчи ва мутахассисларнинг техника воситаларидан унумли ва уюшқоқлик билан фойдаланганликлари туфайли ўрим-йиғим 12 иш кунини давомида якунланди. Улар икки сменада ишлаб, кунига 40 гектар майдондаги маккажўхори ҳосилини йиғиб олдилар. Хўжаликда ҳар гектар майдондан 80 центнердан дон йиғиштириб олинди ва маккажўхори ноялари пешманеш «КИР» машиналаридан ўтказилиб, сенаж қилинди. Хўжалик меҳнат аҳли эришилган муваффақият билан кифояланиб қолмайди. Ўрим-йиғим якунланиши билан бу соҳада янги, қўшимча резервлар қидириб топилади ва ишга солинади. Чунки, маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшаган майдонларга озиқбоп такрорий экинлар ташланиши лозим бўлади. Бу эса чорвачиликнинг озиқ базасини мустаҳкамлашнинг муҳим резервларидан ҳисобланади. Бир майдондан йилга икки марта ҳосил олаётган хўжаликлар орасида ҳам ҳазорбоғликларнинг тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир. Чунки, молларга кўк ҳолида едириш учун оралиқ экинлар экилади, яъни дон учун маккажўхори етиштирилади. Бугдой ва арпа билан бирга силосбоп маккажўхори йиғиштирилиб олингандан сўнг ўрнига силос учун ҳамда кўк ҳолда молларга бериш учун маккажўхори парвариш қилинади. Совхозда ҳар йили 5000—6000 тоннадан силос бостирилмоқда. Бу рақамларнинг асосий қисми такрор озиқбоп экинлар етиштириш эвазига амалга оширилади. Ҳар йили ғамланаётган силос совхоздаги ҳар бир қорамол ҳисобига 15—16 тоннаданга тўғри келади.

«Ҳазорбоғ» совхозини чорвадорларининг озиқбоп экин-

ларни такрорий экишда қўлга киритган ютуқлари фақат областдагина эмас, айни замонда республикамиз миқёсида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Яқинда Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ҳазорбоғликлар тажрибаси асосида бир йилда икки марта ҳосил олиш мақсадида маккажўхорини такрорий экишнинг қуйидаги теҳнологиясини таклиф этди. Ҳосили ва сомони йиғиштириб олинган далага ҳар гектар ҳисобига 400 килограммдан суперфосфат солиниб, 20 сантиметр чуқурликда ҳайдалади ва шундан сўнг дала дискаллапиб, мола бостирилади. Мабодо, тупроқ қотиб қолиб, ерни ҳайдаш пайтида кесаклар кўчса, у тақдирда ер чизелланади. Тупроқ чизелланиб юмшатиладигандан кейин дискаланса, у майин ҳолга келади ва маккажўхори экиш учун қулай шароит яратилади.

Совхоз мутахассислари хўжалик бош инженери, республикада хизмат кўрсатган механизатор Валентин Николаевич Қан раҳбарлигида ерни чизеллаб унумдорлигини оширишнинг ажойиб усулини топдилар. Улар ИКУ—4 чизелга иш органлари сифатида наральниклар ўрнатишди ва бунинг натижасида экин майдонларини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ юмшатишга эришдилар. Бу усул айниқса бу йилги сув танқислиги шароитида маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришда муҳим воқита бўлиб хизмат қилмоқда.

Хўжалик тажрибасидан яна шу нарса маълумки, такрорий равишда юқори ҳосил етиштиришда ўсимлик навини танлаш катта аҳамиятга эгадир. Совхоз мутахассислари, уста деҳқонларнинг мулоҳазалари ва кўп йиллик олиб борган кузатишларига қараганда, маккажўхорининг «Узбекская Зубавидная» ҳамда «Узбекская — 100», «ВИР — 338 ТВ» кечпишар навлари мўл ҳосил беради. Хўжаликда такрорий экиш пайтида ҳар гектар майдонга 45—50 килограммдан маккажўхори уруғи ташланади. Гектарларда кўчат сони қуйидагича белгиланади: агар маккажўхори силос учун экилган бўлса, ҳар гектар

майдонда 70 минг туп, кўк ҳолида едириш учун 140 минг туп кўчат қолдирилмоқда.

Такрор экиш пайтида эгатларнинг чуқур олиннишига алоҳида аҳамият берилади. Маккажўхори униб чиққандан сўнг орадан 10—11 кун ўтгач, биринчи марта суғориладп. Усимликни оби-тобига етказиб суғориш ҳамма вақт мутахассислар ва сувчиларнинг диққат марказида. Улар маккажўхори жўякларига доимо сувни жилдиратиб қўйишади ва ҳар гектар ердаги жўякка 700—800 куб метр ҳажмда сув оқишини таъминлайдилар. Қўллатиб суғоришга асло йўл қўйилмайди.

Вегетация даврида маккажўхори икки марта культивация қилиниб, икки марта озиқлантирилади. Бунда гектарига 120 килограммдан азот солинади. Хўжаликда маккажўхори гуллаб, сўталаридаги дон етилганда «шарбат» берилади. Такрорий маккажўхорининг 3—4 марта суғорилиши ана шу тахлитда амалга оширилади.

Июль охирларида ва август бошларида маккажўхори йиғиштириб олинниши билан бўшаган майдонлар пешмапеш шудгор қилинади ва яхшилаб текисланиб, яна озиқ-бон экинлар экилади. Совхознинг кўп йиллик тажрибаси жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бундай шаронгда сулининг «Узбекистанский широколистный» ҳамда «УзНИИЖ-1» юқори ҳосилли навларини экиш мақсадга мувофиқдир.

Хўжаликда сули етиштиришда ҳам агротехниканинг барча талабларига бекаму кўст амал қилинади. Сули парвариш жараёнида уч марта суғорилади ва гектарига 60 килограммдан азотли ўғит солиб озиқлантирилади. 90—100 кунлик вегетациядан сўнг сули ҳосили йиғиштириб олинади. Бу соҳадаги кейинги 3—4 йиллик тажриба шуни кўрсатадики, ҳар гектардан 250—300 центнердан витаминли кўк поя ўриб-йиғиб олиш имконияти мавжуд.

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили ана шундай кўрсаткичлар билан яқунланди. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешмапеш шудгор қилинди ва совхоз тари-

хида биринчи марта тажриба учун озиқбош рапс ўсимлик нави экилади. Мутахассислар, деҳқонлар бу ўсимлик майсалари ер юзини ям-яшил қоплашидан тортиб, ўсиб етилишига қадар доимо кўз-қулоқ бўлиб турдилар.

Дастлабки тажриба ёмон натижа бермади. Гектаридан 300 центнердан кўк масса йиғиштириб олинди. Бўшаган майдонлар пахта экиш учун тавсия қилинди. Мутахассислар, пахтакорларнинг ҳисоб-китобига қараганда келгусида бу майдонлардан камида 40—42 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

Совхоз чорвачилигини юксалтириш ва унинг мустаҳкам озиқ базасини яратиш йўлида қўлга киритилган муваффақиятларнинг барчаси ташкилий ишлаб чиқарилган ишларнинг тўғри ва оқилона йўлга қўйилишига боғлиқ. Совхоз бош зоотехниги Иван Анатолиевич Боос чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг жонкуяр, қобилиятли мутахассислардан биридир. Қорамоллар, чўчқаларнинг наслдорлиги ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, мустаҳкам озиқ базаси яратиш ва қишлоғни муваффақиятли ўтказишга катта эътибор беради.

— Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг бирдан-бир омили унинг озиқ базасини мустаҳкамлашдир, дейди Иван Анатолиевич, — чунки «сигирнинг сути тилида» деганларидек, унга печоғлик эътибор билан қаралса, унинг рационига катта аҳамият берилса, кўзланган мақсадга албатта эришилади.

Дарвоқе, Иван Анатолиевич Боос жуда тўғри айтади. Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхозида чорва маҳсулотларининг йил сайин ошиб бораётганлиги ва бу соҳадаги давлат план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларининг ошиғи билан адо этилаётганлиги мустаҳкам озиқ базаси яратилганлиги туфайлидир. Тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йили давомида совхоз бўйича ўртача 5000—6000 тоннадан силос бостирилди. Бу эса ҳар бош

қорамол ҳисобига 15 тоннадан тўғри келади. Совхозда силос тайёрлаш бу қадар яхши йўлга қўйилганлиги бежиз эмас. Чунки хўжаликда 5 та маккажўхориқорлик бригадаси 155 гектар майдонда «дала маликаси» парвариши билан шугулланади. Бу аҳил меҳнат коллективлари ҳар бир хўжалик йилни мустаҳкам чорва озиқ базаси яратиш билан якунлайдилар. Ҳар йили бир гектар ердан ўриб олинган маккажўхори ҳосили ўртача 400—500 центнердан ширали кўк массани ташкил этади. «Дала маликаси» парваришини юқори агротехника қондалари асосида ташкил этиш, фан ютуқлари, прогрессив усуллар ва илғор тажрибалардан кенг миқёсда фойдаланиш меҳнатсевар коллективлар фаолиятидан мустаҳкам ўрин олган. Бу соҳада бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақада кўпинча Хурсанд Норбоев, Эшдавлат Бердиёров, Ҳамдам Чориевлар раҳбарлик қилаётган меҳнат коллективлари галиб чиқмоқдалар.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳазорбоғликлар тажрибасига кўра, маккажўхори уруғи вақтида экилиб, юқори агротехника асосида парвариш қилинганда, ҳар гектар ердан олинган озиқ бирлиги 400—450 центнергача етиши ва 60—80 центнердан дон олиниши, таннархи ҳам кўпчилик озиқбоп экинларга қараганда арзонга тушиши мумкин.

Совхозда ҳар йили 40 гектар майдонда озиқбоп лавлагли етиштирилмоқда ва гектаридан 600 центнерга етказиб ҳосил олинмоқда. Маълумки, кейинги 3—4 йил ичида республика колхоз-совхозларида янги чорва озиғи — сенаж тайёрлаш кенг йўлга қўйилди. Бу усул дастлабки даврлариданоқ совхоз чорвачилиғи ишлаб чиқаришидан мустаҳкам ўрин олди.

Сенаж тайёрлаш учун моллар ейдиган ҳар қандай ўтдан фойдаланиш мумкин бўлса-да, хўжалик мутахассислари бу усулни атрофлича ишлаб чиқиб, озиқбоп экинларни қатъий белгилаб олишди. Бунинг учун биринчи навбатда озиқ моддаларига фоят бой бўлган

хушхўр беда, жавдар, сули ўсимликларидан сенаж тайёрлаш мақбул топилди.

Совхозда сенаж тайёрлашнинг бутун технологик жараёнларига тўғри амал қилинади. Бу соҳада биринчи навбатда беда ва бошқа кўк ўтларнинг намлиги 50—55 процентгача камайтирилади. Бедани экиш, ўриб-йиғиб, транспортларга юклаш ва ташиш, хандакларга ағдаришга қадар барча ишлар тўла механизация воситасида фоят тезлик билан бажарилади. Хандаклар мутахассисларнинг доимий назорати остида 2—3 кундан қолдирилмай тўлғазиб ташланади. Ҳаво киришга йўл қўймаслик мақсадида сенажнинг усти 80—100 см қалинликда осон силосланадиган ўсимликларнинг кўк массаси билан зичлаб қопланади ва сўнг унинг устидан клеёнка билан ёпилади. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам озиқ маҳсулотини юқори тўйимлиликда сақлашнинг ҳамма чоралари кўрилади. Совхозда 1972 йилда 1560 тонна ўрнига 2100 тонна, 1973 йилда 2500 тонна ўрнига 3000 тонна сенаж тайёрланди. Хўжалик мутахассислари, миришкор деҳқонларининг белгилловчи — 1974 йил сув танқислиги машаққатларига қарамай, омилкорлик билан иш тутганликлари натижасида янада юқори кўрсаткичларга эришилди, яъни мўлжалдаги 2900 тонна ўрнига 3500 тонна сенаж бостирилди.

Хўжаликда чорва озиғини кўпайтиришнинг яна бир муҳим йўли ердан рационал фойдаланиш ва унинг унумдорлигини оширишдан иборатдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Олмаотадаги таитанали йиғилишда сўзлаган нутқиди шундай деган эди: «Ер — халқнинг бебаҳо бойлигидир. Биз эса шу бойликни авайлаб-асрашимиз, унинг ҳосилдорлигини оширишимиз, ҳар гектар ердан тобора кўпроқ самара олишга ҳаракат қилишимиз лозим»¹. Сов-

¹ Л. И. Брежнев. «Партия билан халқнинг буюк жасорати», «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1974 йил, 20-бет.

хозда ҳар бир қарич ер юксак қадрланади, хўжалик меҳнат аҳли қишин-ёзин ва бутун йил бўйи унинг маҳсулдорлигини, ҳосилдорлигини ошириш йўлида ҳамма имкониятларни ишга соладилар.

Хўжаликда ердан рационал фойдаланишнинг муҳим тадбирлари амалга оширилмоқда. Маккажўхори билан беда ва лавлагини аралаш ҳолда экиш ва сули, жавдар, рапс ва кўк масса учун маккажўхори етиштиришда агротехниканинг прогрессив усуллари кенг қўлланилмоқда.

Хўжалик тажрибаси шунингдек яққол небот этдики, маккажўхорини лавлаги билан қўшиб экиш гоҳат қулай ва фойдали экан. Чунки, бу усул бир майдонда маккажўхоридан икки марта ҳосил олишдан кўра анча афзалроқдир. Бинобарин, мавжуд майдонларда асосан маккажўхори етиштирилганда гектаридан 400—450 центнердан, такрорий экилганда 100—150 центнердан силосбоп кўкат олинади. Аралаш ҳолда экиш ва етиштиришда эса ҳар бир гектар майдондан 400 центнердан маккажўхори кўкати ва 300 центнердан лавлаги йиғиштириб олинди. Кейинги уч йил давомида маккажўхоридан (такрорий экишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) гектар бошига олинган ҳосил ўртача 25 центнер озиқ бирлигини, маккажўхори ва лавлаги аралаш ҳолда етиштирилганда эса 36 центнер озиқ бирлигини ташкил этган.

Совхозда 1971 йилдан буён яхшилаб тайёрланган майдонларда маккажўхори ва беда уруғи 60×40 схемасида аралаш ҳолда экилмоқда. Ҳар бир уяга уруғни аниқ ташловчи сеялка билан 2—3 тадан уруғ ташланади. Экиш билан бир йўла суғориш учун 12—15 сантиметр чуқурликда эгат олинади, Эгат ёнига сеялка билан беда уруғи ташланади. Экишга мўлжалланган майдонлар агротехника талабларига кўра яхшилаб ўғитланади. Экиш олдидан ҳар гектар майдонга 300 килограммдан суперфосфат ва 350 килограммдан аммиакли селитра солинади. Ўсув даврида ўсимлик эгатлар орқали суғо-

рилади. Экинлар яхши парвариш қилинганлиги натижасида маккажўхори билан беда аралаш экилган далаларда биринчи ўримда гектаридан 250 центнердан кўк масса йиғиштириб олинди. Беданинг уч ўримининг ҳар бирида гектаридан 70 центнердан сенаж тайёрланди. Озиқ экинлари аралаш ҳолда экилган бошқа майдонларда ҳам натижа ёмон бўлмади. Беда ва арпа уруғлари қўшиб экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан арпа дони йиғиштириб олинди ва беданинг навбатдаги икки ўримида гектар бошига 30 центнердан сенаж бостирилди.

Совхоз меҳнат аҳлининг юқоридаги тажрибалари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, маккажўхорини беда билан қўшиб етиштириш арпа билан аралаштириб экишга қараганда кўпроқ самара беради.

Совхозда 1971 йилдан буён кўкат озиқ учун кенг япроқли қишки сули етиштирилмоқда. Экиш олдида мавжуд майдонлар чуқур ҳайдалади, яхшилаб текисланади ва тупроғи юмшатилади. Экишда одатдаги сеялкалардан фойдаланилади. Ҳар гектар майдонга 90—100 килограммдан уруғ тўғри келади. Бундай шароитда экин майдонлари яхшилаб ўғитланади, гектарига 250—300 килограммдан фосфорли, ўсимликнинг ўсиши даврида эса 300—350 килограммдан азотли ўғит солинади.

Маълумки, сули қишки совуққа яхши бардош беради, эрта баҳорда унинг гектаридан 300—320 центнердан кўкат озиқ ўриб олинади. Бўшаган майдонлар кетма-кет ҳайдалиб, дон учун маккажўхори экилди ва гектаридан 70 центнердан дон ҳосили етиштирилди. 1973 йил 20 апрелда сулидан бўшаган 10 гектар майдонга пахта экилди ва кузда гектаридан 38 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

«Ҳазорбоғ» совхозини шароитида оралиқ экинлар сифатида сербарг рапс ўсимлиги экилиши яхши натижа бермоқда. Бу ўсимлик ўтган қишки мавсумда синовдан

муваффақиятли ўтди. Кузда 40 гектар ернинг ҳар гектаридан мартнинг ўрталарида 300—350 центнердан раис кўкати йиғиштириб олинди.

Совхозда алмашлаб экиш системасининг тўғри жорий этилишида бош агроном, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Акрам Бобохоновнинг хизмати беқиёсдир.

Акрам Бобохонов ўзи меҳнат қилаётган давлат хўжалигида бевосита ишлаб чиқариш билан чегараланиб қолмасдан, айни замонда илмий савиясини ҳам мунтазам ошириб бормоқда. Деҳқончилик, чорвачилик ва уларни замонавий илмий-техника ютуқлари асосида ривожлантиришга оид республика, мамлакатимиз ва чет элларда чиқаётган адабиётларни зўр қизиқиш билан ўрганади.

Бевосита ишлаб чиқаришда орттирган тажрибаларини илмий асосда умумлаштириб, область, республика матбуоти, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», «Хлопководство», «Земледелия» журналлари саҳифаларида ўз таклиф ва мулоҳазалари билан тез-тез чиқиб туради. Ёш олим «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали саҳифаларидаги актив фаолияти учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ҳозирги пайтда унинг кўксига ҳалол меҳнат ва тинимсиз ижодий изланишларининг қатор нишонлари порлаб турибди.

—Чорвачиликни саноат асосида ривожлантириш учун, — дейди Акрам Бобохонов, — мавжуд имкониятлардан илмий асосланган тарзда самарали фойдаланиш керак.

Шуниси диққатга сазоворки, Ленин орденли хўжаликда ем-хашак жамғариш ишлари Сурхон ўлкасидаги бошқа хўжаликлардагидан фарқли ўлароқ, ўзига хос прогрессив усулда йўлга қўйилган. Бу оқилона ташаббуснинг яратувчиси совхоз бош зоотехниги Иван Анатолиевич Боос бўлди. Унинг таклифи билан ем-хашак жамғарувчи ва хўжаликдаги озиқбоп экинларни ўриб-йиғиб олиш учун махсус комплекс механизациялашган зарбдор бригада ташкил қилинди. Озиқбоп экинлар агрономи коммунист Раҳмонқул Қосимов бригадага раҳ-

барлик қилади. Бригадага ўнта машина ва трактор, учта ўриб-йиғиб олувчи, юкловчи косилка, битта пичан тўпловчи механизм ва машиналарга ортадиган механизмлар ҳамда қўшимча транспорт воситалари биркитилади. Қисқа қилиб айтганда, ем-хашак тўплаш, транспортларга юклаш, КИР агрегатларидан ўтказиб сенаж ва силос хандакларига жойлаштиришгача бўлган бутун ишлаб чиқариш жараёни конвейер усулида, ғоят тезкорлик билан бажарилади. Ҳеч бир шароитда ишнинг тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди. Бу соҳадаги ишлаб чиқариш тадбирлари олдиндан пухта ва атрофлича белгиланган. Ҳатто бригада аъзоларига маиший хизмат кўрсатиш ҳам марказлаштирилган. Бригадага донмий механик тайинланди ва механизмларнинг ремонт, бевосита ишлаб чиқариш устида ғоят оперативлик билан ҳал қилинади. Шу тариқа комплекс механизациялашган чорва озиғи жамғарувчи коллективнинг бутун ишлаб чиқариш фаолияти совхоз дирекцияси ва партия комитети томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.

Натижада беда, маккажўхори ва бошқа озиқбоп экинлар ҳосили ҳам кўпи билан 12 иш кунда йиғиштириб олинади, чорва фермаларидаги бетон хандакларда сенаж ва силос қилиб бостирилади, пичан қилиб ғарамланади. Албатта мустақкам чорва озиғини бу қадар ғоят тезкорлик билан ва юқори меҳнат унумдорлигида ташкил этиш водийдаги барча колхоз ва совхозларга ибрат бўлмоқда. Озиқ экинларни тез ва қисқа муддатда ўриб-йиғиб олишда совхоз дала гвардиячилари — механизаторлар чинакам ғайрат ва жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Комбайнчи Александр Хокеев, Норқобил Имомов, Назир Аҳмедов, косилкачи Хушбахт Сафаров, Оқбўта Хидиров, механик Қарим Раҳмоновлар ишнинг энг долзарб пайтларида ҳам кунлик нормаларини 2—2,5 баравар қилиб бажардилар.

Сурхон ўлкасидаги тўнғич хўжалик чорвачилиги ишлаб чиқариш тажрибалари яна бир муҳим воқеа би-

лан бойинди: яқинда бу ерда Германия Демократик республикасидан келтирилган, озиқ экинларни ўриб-йиғувчи ўзиюрар комбайн муваффақиятли суратда синовдан ўтказилди. Айниқса бу ноёб, қимматбаҳо машинанинг иш унуми кишиларни ҳайратга соладиган даражададир. У билан ҳар кун 5—6 гектар майдондаги бедани ўриб-йиғиб олиб, майдалаб транспортларга юклаш мумкин. Ўриб-йиғиб, ғарамлаб тележка машиналарга юклашга келганда эса унинг иш унуми яна икки бараварга ортади.

— Бу ўзиюрар комбайннинг иш унуми, дейди совхоз бош инженери Валентин Николаевич Қан, — бизни беҳад қувонтирди. Ҳозирги шароитда унинг бир кунлик унумдорлиги 5 та КИР агрегатининг ишлаб чиқариш натижасига тенг. Истагимиз шуки, бундай машиналар яна ҳам кўпайсин. Бизнинг олимларимиз ҳам тез орада шундай машиналар яратиб, оғиримизни енгил қилишса, жуда яхши иш бўларди.

Валентин Николаевичнинг фикр ва мулоҳазаларнда ҳам жон бор. Ўзиюрар комбайн синов даврида совхозга катта фойда келтирди. Уни бошқариш совхознинг энг моҳир, ишбилармон механизаторлари Александр Хокеев ва Норқобил Имомовларга топширилди. 4 ойлик ишлаб чиқариш синови даврида, яъни май—август (1974) ойларида машина бирор марта ҳам ишсиз туриб қолган эмас. Натнжада ҳар кун 80—100 сўм тежаб қолиш имконини берди. Бутун мавсум давомида эса 6000 сўм даромад келтирди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ГДРдан келтирилган ва Сурхондарёда ягона бўлган комбайнни синовдан ўтказиш учун «Ҳазорбоғ» совхозини коллективига топширилганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам хўжалик меҳнат аҳлида пахтачиликдаги каби чорвачиликда ҳам агротехника, зооветеринария фани ютуқлари, прогрессив усулларни зўр маҳорат билан амалда жорий қилишнинг, қишлоқ хўжалик машинала-

рини гоят усталнк билан ишлата билишнинг катта таж-
рибаси ва бой малакалари тўпланган.

КОММУНИСТЛАР ОТАЛИГИДА

Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхозида пахтачилик билан бирга чорвачиликнинг илдам одимлар билан ривожланиб бораётганлигининг муҳим боиси бу соҳанинг коммунистлар оталигида бўлганлигидир. Дарвоқе, давлат хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли тармоқларида 170 нафар коммунист меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги пахтачилик билан шуғулланишади. Шунга қарамай, чорвачилик доимий суратда уларнинг назорати остидадир.

Совхоз партия комитети (секретари ўртоқ Одинаев) чорвачилик ишлаб чиқаришининг бутун жараёнини бошқариб боради. Партком йиғилишларида совхоз миқёсида ва фермалар бўйича ишлаб чиқаришнинг перспектив ва квартал планлари, социалстик мажбуриятларнинг белгиланиши ва уларни бажариш тадбирлари ишлаб чиқилади, чорвадорларнинг, коммунистларнинг чорва моллар маҳсулдорлигини оширишдаги ташаббуслари муҳокама қилинади ва уни оммалаштириш йўллари белгиланади. Чорва қишлоғига тайёргарлик кўриш жараёнида молларни соғлом сақлаш ва уларнинг юқори маҳсулдорлигини таъминлашнинг комплекс тадбирлари тузилади.

Кадрларни танлаш ва чорвачиликнинг муҳим участкаларига тўғри жойлаштириш, уларнинг гоёвий савясини кўтариш, ишлаб чиқариш малакасини мунтазам ошириб бориш совхоз партия комитети фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

Чорвачиликда илмий-техника тараққиёти асосан мутахассис кадрлар, хўжалик раҳбарлари ва барча чорвадорларнинг ўз масъулиятларини виждонан тушунишига, вазифасини астойдил бажаришларига, фан ва техника янгиликларини вақтида қўллай билишларига ва меҳнат

маданиятини тобора юксалтиришларига боғлиқдир. Чунки ҳозирги замон фермалари мураккаб замонавий техника билан таъминланган, оғир қўл меҳнати механизация зиммасига юклатилган. Шу сабабдан совхоз партия ташкилоти мунтазам суратда фермаларда ва умуман чорвачиликда механизация воситаларининг нормал иш-лашини таъминлаш, улардан максимал даражада ва унумли фойдаланишни, мутахассислардан эса техникани мукамал эгаллашни, ҳамма чорвадор ходимларнинг ўз малакаларини доимий суратда ошириб боришларини талаб қилади.

Чорвадорлар меҳнати кечаю кундуз бажариладиган ва ўз соҳибларидан доимий диққат-эътиборни, тинимсиз меҳнат, сабот ва матонатни талаб қиладиган гоят масъульятли касбдир. Чунки бу ишда йилнинг тўрт фасли ҳам қизгин ва астойдил машғул бўлишга тўғри келади. Шу сабабдан чорвадорлар меҳнатининг муттасил суратдаги юқори унумдорлигини таъмин этиш учун барча моддий ва маънавий стимулларни яратиб бериш совхоз партия комитети фаолиятининг асосий мезонини ташкил этади.

Хўжалик коммунистларидан 17 киши бевосита чорвачиликда ишлайди. Уларнинг барчаси ишлаб чиқаришда чинакам коммунистларга хос авангардлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Илгор сут соғувчилар сафида ҳам коммунистлар ташаббусни қўлга олган. Бизнесулов Султонова ва Марзия Эркабоевалар ана шундай серғайрат ва ташаббускор соғувчилардандир. Улар чорва молларини меҳр билан парвариш қилишда ва уларнинг маҳсулдорлигини муттасил суратда оширишда ғайрат кўрсатиб, коммунист деган улуғ номни юксак тутиб келмоқдалар. Мусобақадош дугоналар ҳар йили ўзларига биркирилган сигирларнинг ҳар бирдан 2500—2600 литрдан сут соғиб олмоқдалар. Улар республикамизнинг олтин юбилейи шарафига ҳар бош сигирдан ўртача 3000 литрдан сут топшириш йўлида зўр фидокорлик билан ишламоқдалар.

Коммунистлар чорвачиликнинг ҳамма участкаларида моллар туёғини мутгасил кўпайтириб боришда, уларнинг наслдорлиги ва маҳсулдорлигини тобора оширишда, озиқ экинларидан мўл-кўл ҳосил етиштириш ва уни несобуд қилмасдан йиғиштириб олишда, техникадан юксак унум билан фойдаланишда, хуллас халқни гўшт, сут, ёғ, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаб туриш учун бошланган социалистик мусобақада ташаббускор бўлиб келмоқдалар. Коммунист Абдураҳмон Халимов кўп йиллардан буён мунтазам суратда гўштдор, серсут зотли қорамолчилик фермасига раҳбарлик қилади. Бу истеъдодли коммунистнинг ташкилотчилик қобилияти ва тадбиркорлиги туфайли сут-товар фермаси коллективида давлатга чорва маҳсулотлари етказиб бериш топшириқлари ошиғи билан адо этиб келинмоқда.

Совхоз бош инженери, коммунист Валентин Николаевич Канни кўпинча совхоз механизациясининг «жони» деб атайдилар. Валентин Николаевич 20 йилдан ошдики, ана шу хўжаликда ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Бу давр мобайнида қишлоқ хўжалик машиналарининг неча ўнлаб турларини муваффақият билан синовдан ўтказди ва уларни бевосита ишлаб чиқаришда қўлланишнинг ташаббускори бўлди. Чорвачиликни механизациялаштиришда ишлаётган ўнлаб малакали кадрлар унинг қўлида таълим олишган. Хўжалик пахта далаларида ва озиқбоп экинзорларда гуруллаётган тракторлар, комбайн ва машиналар, чорвачилик марказларидаги механнзмлар ҳамма вақт унинг назорати остида ҳаракат қилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Валентин Николаевич Каннинг хизматларига юксак баҳо берди. Унинг кўксига қўшалоқ Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени ва қатор медалларни тақиб қўйди.

Валентин Николаевичга «Республикада хизмат кўрсатган механизатор» деган юксак фахрий унвон берилди.

Хўжалик меҳнаткашлари катта ишонч билдириб уни Денов район Совети депутатлигига сайлаганлар.

Совхоз чорвачилигида коммунист, уруғчилик бўйича агроном Чори Пардаевнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Унинг ўткир зеҳни ва синчковлиги туфайли хўжалик муттасил суратда энг сара озиқбоп экинлар уруғи билан таъминланмоқда.

Совхоз партия ташкилоти фаолиятидаги яна бир муҳим ютуқ бу иқтисодий омиллар маънавий стимуллар билан моҳирона қўшиб олиб борилаётганлигидадир. Ўтган йиллар тажрибаси бу тадбирлар яхши самаралар беражаклигини яққол кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Олмаотадаги тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида айтганидек: «Айрим ходимларнинг ва бутун-бутун коллективларнинг иш ҳақи улар фаолиятининг тугал натижаларига тобора бевосита боғлиқ эканлигига таяниб, ана шу омилларни бундан буён ҳам такомиллаштириш керак. Шундай йўл билангина ер ва техникадан самарали фойдаланишга эришиш, меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш мумкин»¹.

Хўжалик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш «Ҳазорбоғ» совхози дирекцияси ва партия ташкилотининг диққат марказидадир. Бу тадбир хўжалик чорвадорларининг орасида ҳам яхши йўлга қўйилган.

Совхоз партия комитети ҳар ой охирида чорвадорлар ўртасидаги социалистик мусобақа натижаларини мунтазам яқунлаб боради. Энг юқори кўрсаткичларга эришган сут соғувчиларга кўчма вимпел ва пул-буюм мукофотлари топширилади. Бу соҳада ишлаб чиқариш коллективларининг қўлга киритган ютуқлари алоҳида тақдир-

¹ Л. И. Брежнев. «Партия билан халқнинг буюк жасорати». «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1974 йил. 16-бет.

ланади. Ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиққан чорвачилик коллективлари кўчма қизил байроқ ва катта пул-буюм ютуқлари билан мукофотланади. Аини замонда социалистик мусобақа чўчқабоқарлар ўртасида ҳам ташкил этилган. Чўчқабоқарлар чўчқалар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишдаги юқори кўрсаткичлари учун кўчма вимпел ва пул-буюм билан тақдирланадилар.

Хўжалик чорвадорларининг катта группаси ҳукумат мукофотларини олишга сазовор бўлганлар. 50 кишининг кўкрагида орден ва медаллар порлаб турибди. Етти кишига «Чорва устаси» деган фахрий ном берилган. Совхоз партия комитети барча коммунистларни ўз атрофига мустаҳкам жипслаштирган ҳолда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш соҳасидаги Коммунистик партия директиваларини огишмай амалга ошироқда ва бу масъулиятли ишда авангардлик кўрсатмоқда.

РЕНТАБЕЛЛИК САМАРАСИ

Марксизм-ленинизм классиклари товар ишлаб чиқаришдаги рентабелликнинг муҳим ролини кўп марталаб таъкидлаган эдилар. В. И. Ленин совет ҳоқимиятининг дастлабки йилларидаёқ Совет корхоналарининг ишини хўжалик ҳисоби асосида йўлга қўйишни тавсия қилган эди. Ленин 1922 йил февралда трест ва корхоналар тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида ўз харажатларини ўзлари қопламоқлари лозим деб ёзган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳам ўзининг иқтисодий сиёсатида бунга аҳамият бермоқда. Бу ҳақда КПСС Программасида шундай дейилади: «Совхозлар ишлаб чиқаришни тинмай ўстириши ва маҳсулот сифатини яхшилаши, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг юксак даражасига эришиши, маҳсулот таннархини муттасил камайтириб бориши ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириб бориши лозим».

Шу сабабдан КПСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумидан сўнг «Ҳазорбоғ» совхозининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш ҳаёти тубдан ўзгарди. Совхоз тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида ишлашга кўчди. Мутахассислар бу тadbир қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш ва ундан юқори даромад олиш учун кенг имконият яратиб беришини оқилона нсбот этдилар.

Бундай шароитда шахсий меҳнатнинг туб моҳияти совхоз ва давлат манфаатини акс эттирарди. Чунки тўла хўжалик ҳисобининг туб моҳияти шундаки, шахсий, коллектив ва жамият манфаати максимал суратда ягона яхлит бирликни ташкил этади. Ишлаб чиқаришни интенсив суратлар билан ривожлантириш ва арзон маҳсулот етиштириш орқали жамият ва шахснинг тўла моддий ва маънавий манфаатдорлиги таъминланади. Бинобарин, автоматик суратда тўла хўжалик ҳисобига ўтиш ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат активлигини бевосита оширмас эди.

Аmmo бундай шароит хўжаликни янгича юритишда меҳнат коллективини тарбиялаш учун катта қулайликлар яратиб беради. Шунинг учун «Ҳазорбоғ» совхозининг тўла хўжалик ҳисобига («Ҳазорбоғ» совхозининг эксперимент учун республикада биринчилар қаторида) ўтказилиши маълум бўлиши билан хўжалик дирекцияси, партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотлари, мутахассислар ишни активлаштириб юбордилар. Улар бу муҳим иқтисодий тadbирнинг туб моҳиятини ҳар бир меҳнат коллективи, ишчи ва чорвадорлар онгига етказдилар, уларнинг қалби ва зеҳнига сиңгирдилар, кенг меҳнаткашлар оmmasининг жамият ишига масъулиятли муносабатда бўлишларига эришдилар.

Ҳозир совхознинг ҳар бир ишчиси, сут соғувчи, мутахассис ва бутун меҳнат аҳли ўз ишларининг нақадар катта аҳамият касб этаётганлигини аниқ ва равшан тушунадилар. Ҳамма вақт жамият манфаатини ўз ман-

фаатларидан юқори қўймоқдалар, сарфланган ҳар бир сўм ва тийин икки ва уч барабар фойда келтириши учун интилоқдалар.

«Ҳазорбоғ» совхозидagi ҳар бир ишчининг ўз ва-зифасига бу қадар виждонан ва коммунистик муносабат-да бўлаётганлиги меҳнат унумдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалиги эканлари ҳосилдорлигини ва жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини ошириш учун сарфлана-ётган маблағларнинг юқори самарадорлигига кенг йўл очиб бермоқда. Дарвоқе, хўжалик ҳисобига ўтишга қа-дар совхознинг умумий даромади бир ярим миллион сўмни ташкил этарди. Масалан, 1972 йилда хўжалик 6,4 миллион сўм даромад қилди, шу жумладан соф фой-да 2,1 миллион сўм бўлди. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи — учинчи йилда эса умумий фойда 7 мил-лион сўмга кўтарилди, соф даромад 2,3 миллион сўмга етди. Чорвачиликдан келган соф фойда эса 200 минг сўмдан ошди.

Юқоридagi рақамлардан яққол кўришиб турибдики, ишни рационал ва иқтисодий билимдонлик билан таш-кил этганда, у яхши самара беради. Ҳозир совхозда иш-лаб чиқаришнинг ҳамма тармоқлари рентабелли, даро-мад келтирадиган соҳаларга айланган.

Ички хўжалик ҳисобининг самарадорлиги, айниқса, ҳозирги иқтисодий шароитда янада ошди. Эндиликда хўжалик меҳнатчилари, чорвадорлари оз маблағ сарф-лаб юқори ҳосил ва маҳсулот етиштириш ишлаб чиқа-ришни бошқаришдаги энг тўғри йўл эканлигини чуқур англаганлар. Чунки бу моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш учун тўла гарантия беради.

Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликдаги ҳар бир меҳнатчи ўз касби кори билан чексиз фахрланади. — Мен шофёрман, дейди совхоз ишчиси М. Орипов. — Механизаторлик каби менинг касбим ҳам шарафли-дир. Ишлаб чиқаришда шофёрларсиз анча қийин. Бу ҳол-ни ҳар соат, ҳар куни кўриш мумкин. Қўпчилик ҳамкасб-

ларим каби мен ҳам минерал ўғит, пахта, ем-хашак, концентрат озиқлар, қурилиш материаллари ташийман. Тўғри келганда машинага прицеп тақаман.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совхоз меҳнаткашларининг мамлакатга кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришдаги қаҳрамонона ишларини юксак тақдирлади. Хўжалик ол байроғида олий ҳукумат мукофоти — Ленин ордени порлаб турибди. Совхоз СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг юбилей фахрий нишони билан мукофотланди. 1973 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи ва пул мукофотини олишга муяссар бўлдилар.

Яқинда хўжалик республикамизнинг кўплаб колхоз ва совхозлари қаторида республика фахрий китобига ёзилди. Совхоз меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқларида хўжалик чорвадорларининг ҳам муносиб улуши бор.

Ленин ордени совхознинг меҳнат коллективи қўлга киритилган муваффақиятлар билангина кифояланиб қолмайдилар. Бу олижаноб ишда коммунистик партия ва совет ҳукуматининг юксак мукофотлари хўжалик ишлаб чиқаришини янада жадал суръатлар билан юксалтиришга илҳомлантирмоқда.

Совхоз коллективи олдида КПСС XXIV съезди қарорларини, деҳқончиликнинг ҳамма тармоқларини комплекс суратда юксалтириш каби, чорвачиликни ҳам замонавий индустриал негизга кўчириш, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштириш ва чуқурлаштириш каби гоят шарафли ишлар турибди. Улар бу олижаноб мақсад йўлида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «ҳаёт бизни шошилтираяпти, деб айтиш

кифоя эмас, ҳаёт бир соат ҳам тиним бермайди, муқаррар олға силжишни талаб қилаяпти»¹ деб айтганидек, коммунизм маъмурчилигининг келажак истиқболлари, тўққизинчи беш йиллик вазифаларини муваффақият билан якунлаш учун дадил ва шахдам одамлар билан олға бораверадилар.

¹ Л. И. Брежнев. «Партия билан халқнинг буюк жасорати». «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1974 йил, 17-бет.

• МУНДАРИЖА

Кириш
Юқори маҳсулдорлик учун	35
Мўл-қўл гўшт манбаи	15
Озиқ жамғариш — чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим омили	18
Коммунистлар оталигида	34
Рентабеллик самараси	38

На узбекском языке
Карим Умаров, Юлдаш Пулатов
РАЗВИВАЮЩАЯСЯ ОТРАСЛЬ

(Из опыта развития животноводства в совхозе «Хазарбаг»)

Издательство «Узбекистан» — 1975 — Ташкент

Редактор *Г. Каримова*
Техредактор *С. Собирова*
Корректор *С. Содиқова*

Териншга берилди 27/XI - 1974 й. Босишга рухсат этилди 6/III - 1975 й.
Формати 70×108^{1/32}, № 2 Бос. л. 1,375. Шартли бос. л. 1,92. Нашр. л. 1,79.
Тиражи 5000. Р 10554. «Узбекистон» нашриёти, Тошкент, Навои, 30.
Шартнома № 455—74.

УзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари
бўйича Давлат Комитетининг 3-босмахонасининг 2-цеҳида босилди. Зак. № 3047
Баҳоси 5 т.